

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БОЛТАЕВА БАРНО ИСАКУЛОВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРИНИНГ
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ (СЕМАНТИК-ПРАГМАТИК ТАҲЛИЛ)**

10.00.01 - Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Болтаева Барно Исакуловна

Ўзбек тили фразеологик бирликларининг трансформацияси
(семантик-прагматик таҳлил)..... 3

Болтаева Барно Исакуловна

Трансформация фразеологизмов узбекского языка (семантический-
прагматический анализ)..... 23

Voltaeva Barno Isakulovna

Transformation of Phrazeological Units of Uzbek language (semantic and
pragmatic analyze) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БОЛТАЕВА БАРНО ИСАКУЛОВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРИНИНГ
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ (СЕМАНТИК-ПРАГМАТИК ТАҲЛИЛ)**

10.00.01 - Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.1.PhD/Fil14 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида www.ziyo.net.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Маматов Абдугафур Эшонқулович**
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Элтазаров Жўлибой Донабоевич**
филология фанлари доктори

Хайруллаев Хуршид Зайниевич
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони.15.Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92, факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz. Самарқанд давлат университети. Бош бино, 1-қават, анжуманлар зали (105-хона)

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони.15.Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92, факс: (8366) 239-11-40

Диссертация автореферати 2019 йил «__» ____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ да _____-рақамли реестр баённомаси).

М.Қ.Мухиддинов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

А.Б.Пардаев,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Ж.Ҳамроев,
Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси ўринбосари, филол.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида лисоний бирликларнинг нутқий воқеланишини илмий асослаш, тил бисотидан амалий фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қўлланиш доирасини кенгайтириш муаммоларини тадқиқ этишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Социолингвистика, этнолингвистика, психолингвистика, прагмалингвистика, лингвокогнитология, лингвокультурология, нейролингвистика, компьютер лингвистикаси, корпус лингвистикаси каби замонавий фан йўналишлари асосида лисоний имкониятларнинг амалий воқеланишини тадқиқ этиш амалга оширилмоқда. Тилни моҳият нуқтаи назаридан ўрганиш, тилга коммуникатив, лингвокогнитив ёндашиш етакчи ўринга чиқмоқда. Бу эса мавзунинг замонавий тилшунослик билан боғлиқлигини белгилайди.

Дунё тилшунослигида фразеологик бирликлар психологик, когнитив-семантик ва лингвокультурологик жиҳатларни намоён этган кўп қиррали ва кўп қатламли ментал тузилма сифатида талқин этилади. Анъанавий тилшуносликда тил бирликлари, жумладан, фразеологик бирликлар асосан тил хусусиятлари асосида ўрганилди. Фразеологик бирликларнинг трансформацияси, уларнинг янгиланиш хусусиятлари нафақат муайян услубий маҳсулдорлик манбаи, шу билан бирга, янги фразеологик бирликларнинг шаклланиш омили бўлиб хизмат қилади. Шу маънода фразеологик бирликларни трансформацион, семантик-прагматик, лингвомаданий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда илмий хулосалар чиқариш жаҳон тилшунослиги учун муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек тилшунослигида давр ижтимоий эҳтиёжларидан келиб чиқадиган мақсад ва вазифалар ечимига йўналтирилган самарадор ва замонавий методологик ҳамда тадқиқ усуллари асосида илмий ва амалий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, тилда барқарорлашган фразеологик бирликларнинг ўзгариши ва уларни модернлаштириш ҳамда янги тушунчаларни ифодаловчи фразеологик бирликлар шаклланишининг восита ва усуллари атрофлича тавсиф ва таҳлил этиш ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммоларидан биридир. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ижтимоий соҳани, жумладан, «миллий ўзликимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш»¹ зарурлиги алоҳида таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги «Тараққиёт йўлимизнинг шиддати янада ошаверади» мавзусидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил, 29 декабрь.

тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда 2018 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси талабларига мос равишда фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти ҳам муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек тилшунослигида фразеологик бирликларни илмий-амалий тадқиқ этиш бўйича қатор докторлик¹, номзодлик ва филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари² ҳимоя қилинди, кўплаб илмий мақолалар эълон қилинди³, монографиялар ва ўқув қўлланмалари нашр этилди⁴, фразеологик луғатлар¹ юзага келди.

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол. фан. д-ри. дис. ... автореф. –Тошкент, 1966. – Б.46; Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. дис. ... автореф. –Тошкент, 1993. –Б.47; Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол. фан. д-ри. дис. ... автореф. –Тошкент, 2000. –Б.56.

² Рўзиқулова М. Ўзбек тилида идиомалар: Филол. фан. ном. дис... автореф. –Тошкент, 1966. –Б.20; Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка: Автореф. дис. ... канд.филол.наук. –Ташкент, 1976. –Б.21; Ҳакимов Қ. Ўзбек тилидаги содда гап қолиплари фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанлиги: Филол.фан.ном. дис. ... автореф. – Тошкент, 1994. –Б.27; Усмонова Ш. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: Филол.фан.ном. дис. ...автореф. –Тошкент, 1998. –Б.24; Исқандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (*шахс микромайdonи*): Филол.фан.ном. дис. ... автореф. –Тошкент, 1999.–Б.56; Бозорбоев К. Ўзбек сўзлашув нутки фразеологизмлари: Филол.фан.номз.дисс...автореф. –Самарқанд,2000. –Б.22; Абдуллаев Ш. Таржима асарларида фразеологизмлар семантикаси (*Т.Қайибберенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида*): Филол.фан.ном. дисс...автореф. –Тошкент, 2006. –Б.25; Алмаматова Ш. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили: Филол.фан. номз.дис...автореф. –Тошкент, 2008. –Б.23; Вафоева М. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили. Филол. фан. ном. ... дис. –Тошкент, 2009. –Б.127; Рашидова У. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантик-прагматик таҳлили (*кўз, қўл ва юрак компонентли иборалар мисолида*): Филол.фан.фалсафа док. (PhD) дисс...автореф. – Самарқанд, 2018. –Б.51 ва бошқалар.

³ Маматов А. Лексик интеграция асосида фразеологизмларнинг шаклланиши// Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1999. №6. –Б.29-33; Умаров Э. Фразеологическая контаминация в языке Алишера Навои// Сов.тюркология. –Ташкент, 1974. №5. –С.23-27; Раҳматуллаев Ш. Феъл фразеологик бирликларда мавжудлик категорияси// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1963. №4. –Б.32-36; Раҳматуллаев Ш. Лексема ва фразема маъносини компонент таҳлилининг баъзи натижалари// Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1986. №3. –Б.16-21 ва бошқалар.

⁴ Маматов А. Фразеологизмларнинг шаклланиш асослари. – Тошкент: Наврўз, 1996. –Б.54; Раҳматуллаев Ш. Нуткимиз кўрки.–Тошкент: Фан, 1970. –Б.60; Йўлдошев Б. Ўзбек тилида фразеологизмларнинг услубий ва прагматик имкониятлари. –Самарқанд, СамДУ нашри, 2002. –Б.37; Маматов А. Фразеологик стилистика масалалари. – Тошкент: Фан ва техника, 1991. –Б.120; Ғаниева Ш.Ўзбек фразеологизмларининг структур тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013. –Б.123; Шомаксудов Ш., Долимов С. Қайроқи сўзлар : (халқ иборалари) / [Нашрга тайёрловчи Д.А.Шораҳмедов]. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. –Б.223; Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985.-Б.200; Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. – Самарқанд: СамДУнашри, 2007. –Б.108; Маматов А.Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. –Тошкент, 1991. –Б.274; Раҳматуллаев Ш. Фразеология // Ҳозирги замон ўзбек тили. –Тошкент, 1957. – Б.152-182; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили феъл фраземаларнинг боғлашуви. –Тошкент, 1992.-Б.126; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари (фразеологик бирликларда полисемия,синонимия, вариация, антонимия, омонимия ва омонимлик). – Тошкент: Фан, 1966. –Б.264; Йўлдошев Б., Рашидова У. Ўзбек тилининг фразеологик стилистикаси. –Тошкент: Наврўз, 2016. –Б.198; Йўлдошев Б., Рашидова У. Ўзбек фразеологияси. Библиографик кўрсаткич. –Тошкент: Наврўз, 2016. –Б.48 ва бошқалар.

Фразеологик бирликларнинг пайдо бўлиши, тараққиёти, янгиланиши (модернизацияси) ва бойиши фақат фразеологик неологизмларнинг пайдо бўлиши билан эмас, балки мавжуд ибораларнинг семантик, грамматик ва функционал жиҳатдан янгиланиши асосида содир бўлади. Фразеологик бирликларнинг трансформацияси, хусусан, унинг айрим ижодкорлар томонидан ижодий ўзгартирилиб қўлланилишига доир тадқиқотлар Я.Д.Пинхасов, М.Хусаинов, Ш.Шомаксудов, И.К.Кучкартаев, К.Самадов, А.Абдуназаров, Э.Умаров, Б.Юлдашев, С.Каримов, Х.Каххаровалар томонидан олиб борилган бўлса-да,² фразеологик бирликларнинг структурал-семантик ўзгариши, умуман, трансформацияланиш тизими лингвистик аспектда ҳамда монографик йўсинда махсус тадқиқ этилмаган.

Тилда барқарорлашган фразеологик бирликларни лексик, грамматик ва лексик-семантик ўзгартиришлар асосидаги трансформацияси фразеологик бирликлар шаклланишининг восита ва усулларини семантик-прагматик тадқиқ этиш алоҳида илмий тадқиқотни талаб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика институти «Филология фанларининг долзарб муаммолари ва уларни амалиётга жорий этишнинг янги педагогик технологиялари» (2009-2014 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади фразеологик бирликлар трансформациясининг восита ва усулларини ўрганиш, янгиланган (модернизация) фразеологик бирликларни семантик-прагматик, лингвокультурологик ўрганиш, луғатларга киритиш ва уларнинг лексикографик аҳамиятини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фразеологик бирликларнинг семантик, грамматик ва функционал трансформацияси моҳиятини тавсифлаш, уларни таъминловчи лингвистик ва нолингвистик омилларни ёритиш, фразеологик бирликнинг маъно таркиби ҳамда структурасидаги ўзгаришнинг восита ва усулларини тадқиқ этиш;

фразеологик бирликлар трансформацияси восита ва усулларини белгилаш ва тавсифлаш, семантик ҳодиса моҳиятини баён қилиш, трансформацияни стилистик восита сифатида талқин қилиш;

¹Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати. –Тошкент: Фан, 1964. –Б.36; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1978. –Б.408; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1992.–Б.380; Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1984. –Б.122; Менглиев Б., Худойбердиева М., Бойматова О. Ўзбек тили ибораларининг ўқув изоҳли луғати. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2007.–Б.39.

² Пинхасов Я.Д. Фразеологические выражения в языке произведений Хаида Алимджана: Автореф. дис. ...канд.филол.наук. -Ташкент, 1953. –С.19; Хусаинов М. Фразеология прозы писательницы Айдин. Автореф. дис...канд. филол. наук. Самарканд. 1959. –С.24-6; Шомаксудов Ш. Язык сатиры Муками (лексика и фразеология): Автореф.дис. канд.филол.наук. -Ташкент. 1956; Кучкартаев И.К. Фразеологические новаторство А.Каххара: Автореф. дис..канд.филол.наук. –Ташкент, 1965; Самадов К. Некоторые вопросы языкового мастерства Айбека: Автореф. дис. канд.филол.наук. –Ташкент, 1967; Абдуназаров А. Некоторые вопросы развития лексики и фразеологии узбекского литературного языка 20-х годов (на материале сатирического журнала «Муштум») : Автореф. дис..канд. филол. наук. – Ташкент. 1968; Умаров Э. Лексико-грамматическая характеристика фразеологизмов дивана «Хазойин-ул-маоний» А.Навои: Автореф. дис...канд. филол. наук. – Ташкент. 1968; Юлдашев Б. Язык и стиль произведений Саида Ахмада: Автореф. дисс...канд. филол. наук. - Самарканд, 1978; Каримов С. Зулфия поэзиясининг луғати. Конкорданс. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981.-Б.273; Каххарова Х. Фразеология Абдуллы Кадыри: Автореф. дис... канд.филол.наук, -Ташкент, 1985. - С.24 ва бошқалар.

фразеологик бирликлар компонентлари, структурал таркибининг кенгайтирилиши, узул ва окказионал трансформация хусусиятларини очиб бериш, ўзгарган (модерн) фразеологик бирликларнинг семантик ва стилистик муносабатларини лингвокультурологик тамойиллар асосида тавсифлаш;

фразеологик бирликларда таркибий киритмаларни ўрганиш ва аниқлаш, содда ва мураккаб киритмалар, конвергенция, аллюзия, дистрибуция, сўз бирикмалари ёрдамида маъно (семантика)нинг трансформацияси (ривожлантирилиши) турларини ажратиш ва тавсифлаш;

фразеологик бирликлар компонент (таркиб)ларининг тушиб қолиши, эллиптик воқеланиш, контаминация, антонимик қўлланиш, метафорик қўлланиш омилларини таҳлил қилиш ва тилшунослик анъаналари асосида тавсифлаш;

трансформация асосида фразеологик бирликларнинг шаклланиш жараёнини таҳлил этиш ва матндаги функционал-стилистик, коннотатив-баҳо муносабатларини семантик-прагматик таҳлил этиш;

бадий-публицистик матнлардаги трансформация асосида шаклланган фразеологик бирликларнинг лексикографик талқини ва уларни фразеологик луғатларга киритиш муаммоларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек бадий ва публицистик асарларидан тўпланган фразеологик бирликлар ҳамда трансформация асосида янгиланган фразеологик бирликлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тилидаги фразеологик бирликларнинг трансформацияси, унинг семантик-прагматик, функционал-услубий тадқиқи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мавзуни ёритишда систем-структур, тавсифлаш, когнитив, прагматик, лингвокультурологик қиёслаш, компонент таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фразеологик бирликларнинг семантик, грамматик ва функционал трансформацияси, семантик-стилистик восита сифатида талқин қилиниб, фразеологик бирликлар структурал таркибининг кенгайтирилиши, узул ва окказионал трансформацияси лингвокультурологик тамойиллар асосида далилланган;

фразеологик бирликларда таркибий киритмаларни ўрганиш ва аниқлаш, шу асосда содда ва мураккаб киритмалар, конвергенция, аллюзия, услубий дистрибуция, сўз бирикмалари ёрдамида маъно (семантика)нинг ривожлантирилиш турлари аниқланган;

фразеологик бирликлар компонент (таркиб)ларининг эллиптик воқеланиши, контаминация, антонимик қўлланиш, фразеологик такрор, метафорик қўлланиш каби трансформация жараёни таҳлил этилиб, матндаги функционал-стилистик, коннотатив-баҳо муносабатларининг семантик-прагматик хусусиятлари очиб берилган;

фразеологик бирликларнинг давр эҳтиёжи асосида модернлаштирилиши, шу даврнинг ижтимоий-сиёсий манзарасини тасвирлаши ва фразеологик бирликларни модернлаштириш омиллари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

Фразеологик бирликларнинг трансформация асосида шаклланиш жараёнини семантик-прагматик, функционал-стилистик тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар ўзбек фразеологияси учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, тилшуносликнинг фразеология, прагмалингвистика, лингвокультурология, услубшунослик, бадиий матн стилистикаси каби фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукамаллашувига хизмат қилиши далилланган.

Тадқиқот натижалари асосида «Фразеологик бирликларнинг семантик-прагматик тадқиқи» номли монография, бошланғич синф ўқувчилари учун изоҳли, расмли «Ўзбекча – русча - инглизча иборалар луғати» тайёрланган. «Иборалар. Ўзбекча – русча – инглизча изоҳли, расмли луғат» номли электрон луғат яратилган ва патент олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда муаммонинг аниқ кўйилганлиги, тилшуносликдаги энг сўнгги илмий ютуқлардан фойдаланилганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади. Шунингдек, таҳлилга тортилган тил материаллари ўзбек тилининг лингвистик табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилиш имконини беради. Фактик тил материалларининг «Ўзбек тилининг фразеологик луғати» каби лексикографик манбаларга қиёсланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган хулосалар фразеологик бирликларни семантик-прагматик ва семантик-стилистик ўрганишда илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилади. Тадқиқотнинг айрим илмий хулосалари прагматика, лингвокультурология, когнитология, стилистика, нутқ маданияти соҳаларига оид танлама курслар, семинарлар ташкил қилиш, ўқув қўлланмалари яратишда фойдаланиш ҳамда илмий изланишлар олиб боришга асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тилимизда янги шаклланган фраземаларни тўплаш, ўрганиш ва фразеологик луғатга киритиш, ўзбек тилида тузиладиган изоҳли луғатлар, соҳалар юзасидан яратиладиган дарсликлар, ўқув қўлланмалари, методик кўрсатмалар учун манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тили фразеологик бирликларининг трансформация асосида шаклланиши жараёнида маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида:

ўзбек тили фразеологик бирликларининг семантик ва грамматик, функционал-стилистик имкониятларини аниқлашга оид назарий хулосалардан ОТ-Ф8-062-сонли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» (2007-2011) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 28 декабрдаги 89-03-4495-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида

Ўзбек тили фразеологик бирликларининг ўзгариш хусусиятлари ва маъно янгиланишлари очиб берилган;

фразеологик бирликларни семантик-прагматик, семантик-стилистик, лингвокультурологик жиҳатдан таҳлил қилишга оид хулосалардан ЁА-1-06 сонли «Профессионал таржимонларни тайёрлашда сифат назоратини ташкиллаштиришга компонент ёндашув» (2012-2013) номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 28 декабрдаги 89-03-4495-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида ўзбек тили фразеологик бирликларнинг трансформацияси асосида бойиши очиб берилган;

тадқиқот натижалари асосида яратилган “Ўзбекча-русча-инглизча иборалар луғати”нинг (изоҳли луғат: 978-9943-5117-7) тил таълимида ибораларни ўрганишга хизмат қилиши амалда кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 2 та монография ва 1 та луғат (ҳаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 129 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сўз бирикмаси ва фразеологик бирликлар трансформациясининг семантик-прагматик таҳлили**» деб номланган биринчи боби уч бўлимдан иборат. Бобда фразеологик бирликларнинг лексик, семантик, лексик-семантик трансформацияси, уларнинг узул ва окказионал қўлланилиши тадқиқ қилинган, тилшунос олимларнинг фикр-мулоҳазалари¹ шарҳланган ва илмий баҳоланган.

¹Ўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол.фан.д-ри.дисс...автореф.- Тошкент, 1993. –Б.30; Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол.фан.д-ри.дисс...автореф. – Тошкент, 2000. –Б.48; Алмамадова Ш. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили: Филол.фан.номз.дисс... автореф. – Тошкент, 2008.-Б.28; Вафоева М. Ўзбек тилида фразеологик

Бобнинг биринчи бўлимида «Фразеологик бирликларнинг семантик трансформацияси» ҳақида сўз боради. Илмий манбаларда трансформация (лот.*transformatio*-ўзгариш)га асосий синтактик тузилмани тил қонун-қоидалари асосида ўзгартириб, иккинчи бир тузилма ҳосил қилиш [ЎТИЛ. 4,168], бошқа манбаларда эса асос лисоний модели (тил структураси) асосида иккиламчи лисоний шаклнинг яратилишидир деб таъриф берилади.

Жаҳон тилшунослигида тил элементларининг трансформацияланиши натижасида лексик маънони грамматик маънога трансформация қилиш(кўчириш) асосида грамматикализация ҳодисаси¹, бирикма маъносининг сўз маъносига трансформацияси асосида лексикализация ҳодисаси юзага келиши эътироф этилади. Шунингдек, сўз бирикмаси ва фразеологик бирликларнинг таркибий ва маъновий трансформацияси асосида *фразеологизация* ҳодисаси юзага келади.

Дўпписини осмонга отмоқ бирикмаси таркибидаги *дўппи*, *осмонга* ва *отмоқ* сўзларининг ўзаро уйғун маъновий ҳамда синтактик бирикувидан “дўппини осмонга отиш билан боғлиқ ҳаракат”ни ифодаловчи маъно юзага келади. Айни пайтда эркин боғланманинг семантик трансформацияси асосида таркибидаги сўз-компонентларга хос бўлмаган “астойдил хурсанд бўлмоқ, қувонмоқ”маъноси шаклланади. *Дўпписини осмонга отмоқ* эркин боғланманинг образи шаклланган фразеологик маънода намоён бўлади. *Оғиз очмаслик, тўнини тесқари киймоқ, қўлини ювиб, қўлтигига урмоқ, лабини тишламоқ, тарвузи қўлтигидан тушиди, калаванинг учини йўқотмоқ, калаванинг учини топмоқ* эркин боғланмаларнинг семантик трансформацияси асосида уларнинг фразеологик маъноси юзага келади ва айнан семантик трансформация ва образлилик эркин боғланмадан фарқловчи дифференциал белгиси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тил илмида фразеологик бирликлар *семантик ҳодиса* сифатида қаралади.

Ш.Балли фразеологик семантикани уларнинг мутлақ белгиси² деб эътироф этиб, бирикмаларни лексик-грамматик, семантик ва синтактик яхлит бирликлар эканлигини таъкидлайди. В.В.Виноградов, Н.М.Шанский, О.С.Ахманова, В.Л.Архангельский, Ю.А.Гвоздарев, А.Г.Назарян, С.Ройзензон, Ю.Авалиани, А.Бушуй каби рус тилшунослари фразеологизмларни семантик ҳодиса эканлигини эътироф этадилар³. Туркий тилшунослар З.Г.Ураксин, Г.А.Байрамов, Ф.А.Ғаниев, Г.Х.Ахунзянов, Л.К.Байрамова, М.Ф.Черновлар⁴, ўзбек тилшунослигида Ш.Раҳматуллаев, Б.Йўлдошев, А.Маматов каби тилшунослар *икки ёки ундан ортиқ сўздан таркиб топган, тузилиши жиҳатидан бирикмага, гапга тенг, мазмунан сўзга муқобил, яхлитлигича*

синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили. Филол. фан. ном. ... дис. -Тошкент, 2009. -Б.127; Рашидова У. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантик-прагматик таҳлили (*кўз, қўл ва юрак компонентли иборалар мисолида*): Филол. фан. фалсафа д-ри.(PhD) дисс...автореф. - Самарқанд, 2018. - Б.51; Ғаниева Ш. Ўзбек фразеологизмларининг структур тадқиқи. - Тошкент, 2013. -Б.123.

¹Элтазаров Ж. Грамматикализация ҳодисаси// Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент, 1992. № 5-6. -Б.61-67.

²Балли Ш. Французская стилистика. -М., 1961. -С. 98.

³*Қаранг:* Бушуй А.М. Библиографический указатель литературы по вопросам фразеологии. Вып.IV-V. -Самарқанд, 1976. 1979. -С.300-246; Бушуй А.М. Лексикографическое описание фразеологии. - Самарқанд, 1982. -С.114;

⁴*Қаранг:*Йўлдошев Б., Рашидова У. Ўзбек фразеологияси. Библиографик кўрсаткич. -Тошкент: Наврўз, 2016. -Б.48.

устама кўчма маъно англатадиган лугавий бирликларни¹ фразеологик объект деб эътироф этадилар.

Ш. Раҳматуллаев фразеологик бирликларнинг маъно табиатини *биттадан ортиқ сўз яхлитлигича маълум бир образ асосида, кўчириш йўли билан семантик тараққиётни бошдан кечиради*² деб таъкидлаб муайян образ асосида юзага келган маънони фразеологик маъно деб атайди.

Бўйнига қўймоқ, ерга урмоқ, йўл бермоқ каби фразеологик бирликлар маъноси таркибидаги лексемаларга хос маънолар асосида изоҳланиб, улар эркин боғланма тарзда ҳам идрок этилади. *Косани ерга уриб чилпарчин қилди* гапида эркин боғланма таркибидаги *ер* ва *урмоқ* сўзларининг ўзаро уйғун маъновий ҳамда синтактик бирикувидан “косани ерга уриш” ҳаракати билан боғлиқ, таркибидаги сўзларга хос маънони ифодалайди. *Кечаги йиғилишда уни роса ерга уришди* гапида эса эркин боғланмага хос маънонинг трансформацияси унинг фразеологик бирликка хос бўлган “ортиқ даражада камситмоқ” маъносини шакллантиради.

Аммо *бошини олиб чиқиб кетмоқ, оёғини қўлига олиб, ўпкасини қўлтиқламоқ, оғзига оқ ит кириб, қора ит чиқади* каби фразеологик бирликлар сўз бирикмаси тарзда ишлатилмайди. Инсон ўз фаолиятида “бошини олиб чиқиб кетиш”, “ўпкасини қўлтиқлаш” каби ҳаракатларни бажариши мумкин эмас. Бу ўринда сўз бирикмасини унга хос бўлмаган тарзда татбиқ этиш, семантик трансформациялаш асосида фразеологик бирликка хос маъно шаклланади. Демак, сўз бирикмалари ва фразеологик бирликлар семантик, лексик, лексик-семантик, семантик-синтактик трансформацияланади ва бу жараёнда семантик трансформация ва образлилик фарқловчи дифференциал белгилар бўлади.

Бобнинг «Фразеологик бирликларнинг лексик-семантик трансформацияси» деб номланган иккинчи бўлимида фразеологик бирликларнинг структурал, грамматик, функционал, лексик-семантик трансформацияси хусусида фикр юритилади.

Фразеологик бирликлар ўхшатма образлар яратиш ёки қўлланишда бўлган образларни ривожлантириш ҳамда мавжуд ибораларни семантик, грамматик ва функционал жиҳатдан янгилаш³ мақсадида семантик ҳамда лексик-семантик трансформация қилинади. Тилшуносликда фразеологик бирликларнинг лексик, лексик-семантик трансформацияси стилистик эффект⁴, тил ички тизимининг эҳтиёжи, фразеологик шаклланишнинг омили⁵ деб эътироф этилади.

Лексик-семантик трансформацияда мавжуд фразеологик бирликларнинг лексик таркиби ва қисман маънолари трансформация қилинади, натижада мавжуд фразеологик бирликнинг варианты ва синонимлари ёки бутунлай

¹Раҳматуллаев Ш. Нуткимиз кўрки.-Тошкент: Фан, 1970. –Б.56.

²Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик лугати. –Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти,1992. –Б.5.

³Йўлдошев Б. Кўрсатилган диссертация автореферати. –Б.30.

⁴*Қаранг:* Кучкартаев И. Фразеологическое новаторство Абдуллы Каххара. Автореф. дис.... канд. филол. наук, -Ташкент, 1965, С.24.; Йўлдошев Б. Кўрсатилган диссертация автореферати. –Б.29-40; Каххарова Х. Фразеология Абдуллы Кадыри. -Автореф. дис. ...канд. филол. наук, -Ташкент, 1985. -С. 24.

⁵Маматов А. Кўрсатилган диссертация. – Б.98.

янги фразеологик бирлик шаклланади. *Авра-астарини ағдармоқ, авра-астарини қоқмоқ, авра-астари очилди, авра-астари сўкилди* каби бир ўхшатма образли фразеологик бирликлар лексик трансформация қилиниши билан бирга, нутқда семантик жиҳатдан ҳам фарқланишини кузатиш мумкин. *Баҳрини очмоқ, баҳри очилди, баҳри-дили очилмоқ, дили очилди* фразеологик бирликлари лексик-семантик трансформация қилиниб, бир образли фразеологик қаторлар юзага келади. *Юз ўғирмоқ* фразеологик бирлигининг *юзини ўғирмоқ, юзини тескари ўғирмоқ, юзини терс бурмоқ* каби вариантлари, *бетига қарамаслик, бетини кўрмаслик* каби синонимлари образларнинг турли хиллиги, лексик-семантик трансформация асосида шаклланганлиги билан фарқланади. *Юзи шувут бўлди* фразеологик бирлигининг *юзини шувут қилмоқ, юзи шамгин бўлди, бети шувут бўлди* каби вариантлари бир тушунчани бир образ ёки бир-бирига яқин образлар асосида ифодалаши билан фарқланади.

Бобнинг «Фразеологик бирликларнинг узуал ва окказионал қўлланилиши» деб номланган учинчи бўлимида фразеологик бирликларнинг узуал ва окказионал қўлланилиш хусусиятлари, матндаги трансформацияси ва уларнинг лисоний имконияти таҳлил этилган.

Илмий адабиётларда сўзда луғавий бирлик сифатида бор, умум томонидан қабул этилган, умум қўлланишдаги маъно узуал маъно (лот.*usus-odat, қоида*)¹ деб эътироф этилади. Луғатларда акс этган фразеологик бирликларнинг инвариант, вариант, синонимик маънолари узуал маънолардир. Луғавий бирлик сифатида маълум бўлган сўз, сўз бирикмаси, турғун бирикмаларнинг нутқий воқеланиши узуал қўллаш деб эътироф этилади.

Окказионал (тасодифий) маъно эса умумий қабул қилинган талаффузга мувофиқ бўлмаган, шахсий тавсифга эга, ўзига хос контекст билан таъминланган² маънони билдиради.

Узуаллашган фразеологик бирликларнинг шаклланишида соматик компонентлар³, узуал маъноли фразеологик бирликларнинг тематик гуруҳлари⁴, фразеологик бирликлар таркибидаги констант (ўзгармас) компонентларнинг хусусиятлари таҳлил этилган.

Оёқ соматик сўзи *оёгини билиб босмоқ, оёгини тираб олмоқ, оёгини тортмоқ, оёгини узмаслик, оёгини чакки босмоқ, оёгини узатмоқ, оёқдан қолмоқ, оёқдан тортмоқ, оёққа босмоқ, оёқига йиқилмоқ, оёғи сийраклашди, оёғи тийилди, оёғи тортмади* каби фразеологик бирликларида констант компонент сифатида иштирок этади ва турли образларда шаклланади.

Кўринадики, констант компонент трансформация қилинмайди, констант соматик компонентларнинг иштирокига кўра улар соматик фразеологизмлар

¹Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.- Тошкент, 2002. –Б.113.

²Йўлдошев Б. Ўзбек тилида фразеологизмларнинг услубий ва прагматик имкониятлари. Самарқанд, 2002.-Б.26.

³Қаранг:Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Ташкент, 1977. –С.24; Усмонова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик иборалар: Филол.фан.номз. ...дисс. -Тошкент, 1998. -Б.162; Рашидова У. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантик-прагматик таҳлили (кўз, қўл ва юрак компонентли иборалар мисолида): Филол.фан.фалсафа д-ри (PhD) дисс...автореф. -Самарқанд, 2018. –Б.51.

⁴Маматов А. Кўрсатилган диссертация. -Б.30-60.

деб эътироф этилади. Тилда улар соматик компонентнинг маъноси ёки унинг образи билан боғлиқ воқеликни гавдалантиради.

Доимий кўлланиш жараёнида фразеологик бирликлар илк ифодалилигининг аҳамиятли ҳиссасини йўқотади, окказионал кўллаш эса фразеологик бирликларга янгиланиш ва ёрқинлик, нутқга ифодалилиқ бериш имконини яратувчи стилистик усулдир. *Дўппига кўшиб фақат бошни эмас, оёқ-кўлни ҳам қийма-қийма қилиб олиб келади (Т.Малик.Даврон)*. Қиёсланг: *салла ол деса, калла олмоқ; дўппини ол деса, бошни олмоқ; дўппини ол деса, оёқ-кўлни олмоқ.*

Умумтилдаги *огзига толқон солмоқ* ибораси “мутлақо гапирмаслик, суҳбатда мутлақо қатнашмаслик” маъноларини англатади [ЎТФЛ.210]. Окказионал тарзда кўлланилган *огзидаги толқон эримади* фразеологик бирлиги эса узуал “мутлақо гапирмаслик”дан фарқ қилувчи окказионал “узоқроқ муддат жим туриш” маъносини ифодалаш билан хосланади: *Самандар таклифини яна такрорладиямки, талабаларнинг огзидаги толқон эримади (У.Ҳамдам. Сабо ва Самандар)*. Қиёсланг: *огзига толқон солмоқ-огзидаги толқон эримадлик.*

Трансформацияланган фразеологик бирликлар контекстуал ҳодисадан узуал, тил ҳодисасига ўтиши мумкин. Бу эса адабий тил фразеологик тизимининг таракқиёт жараёнини ўзида ифода этади.

Хуллас, эркин бирикмалар тил вакиллари томонидан трансформация қилиниб, кўчма маъноланган фразеологик маънога эга бўлади. Шу асосда фразеологик бирликка хос бўлган узуал маъно юзага келади. Демак, фразеологик бирликлар маълум маъновий таракқиётни бошдан кечирадиган семантик ҳодисадир.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Фразеологик бирликларнинг структурал-семантик трансформацияси(таркибий киритмалар)**» деб номланган ва у тўрт бўлимни ўз ичига олади. Ушбу бобда фразеологик бирликлар таркибига киритилдиган содда ва мураккаб киритмаларнинг ўзига хос хусусиятлари, конвергенция ва аллюзия ҳодисалари, сўз бирикмалари трансформацияси асосида фразеологик маънони актуаллаштириш масалалари ўрганилган.

Мазкур бобнинг «Фразеологик бирликларда содда ва мураккаб киритмалар» деб номланган биринчи бўлимида фразеологик бирликларнинг маъно яхлитлиги бузилмасдан бирикма компонентларининг орасига сўз ва сўз бирикмаларининг киритилиши, трансформацияланиши таҳлил этилган.

Тилшунослар фразеологик бирликларнинг структур-семантик ўзгаришларининг киритма ва айирма каби икки типини¹ кўрсатади. Тадқиқотда киритманинг сўз ва сўз бирикмаси киритилиши каби икки кўринишини эътироф этамиз. Киритмалар бирикманинг шаклини ўзгартириш

¹Қаранг:Кунин А.В. Фразеология современного английского языка. -М.:1986. -С.87; Арсентьева Е.Ф. Типы контекстуальных трансформаций фразеологических единиц. -Наб. Челны: Рудик, 2002. -С.298; Гашева Л.П., Губайдуллина Н.Ю. Трансформационные процессы в современной фразеологии на материале художественных текстов// II международная научная конференция «Филология и лингвистика: проблемы и перспективы»: -Челябинск, 2013;

асосида янги структурали ва янгича маъно қирраларига эга бўлган фразеологик бирликларни шакллантиришга хизмат қилади.

Тилшунос Ж.Элтазаров таъкидлаганидек, тилда лексикализация, грамматикализация ҳодисалари мавжудлиги тилнинг барча унсурлари трансформацияланиши мумкинлигини кўрсатади. Тил бирлигининг шакли ва мазмуни ўзаро диалектик алоқада, шаклдаги ўзгариш мазмунни ўзгартиради, мазмундаги ўзгариш шаклга таъсир этади, бу тил амал қилишининг зарурий шартларидан биридир¹.

Умумтилдаги *бошини букмоқ* иборасининг таркибига “ерга” сўзини қўшиш билан *бошини ерга букмоқ*; *бетини сидириб* иборасининг таркибига “терисини” сўзини киритиш билан янги структурали *бетининг терисини сидириб*; *бурнидан чиқмоқ* ибораси таркибига “булоқ бўлиб” сўз шаклини қўшиш билан *бурнидан булоқ бўлиб чиқмоқ* фразеологик бирликлари юзага келади.

Қовоғи осилди фразеологик бирлиги “ўзининг ранжиганини, хафа бўлганини қовоқларини қуйроққа тушириб, бошини эгиб билдирмоқ” [ЎТФЛ.349] маъносини англатади. *Шундан сўнг агар отаси истаса, уни мудом қўрқув чангалида тутиб туришига қодирлигини қайта идрок этаркан, ночорлиги алам қилиб, қовоғи тўрвадай осилиб кетди* (Н.Норқобилов. *Қоялар ҳам йиғлайди*). Тўрванинг “кичкина қопчиқ, халта” маъноларини англатишини [ЎТИЛ.4, 244] инобатга олсак, “тўрвадай” киритмани келтириш билан қовоқнинг ниҳоятда осилганини англаш мумкин. Киритилган “тўрвадай” сўзи оддий киритмага мисол бўлади, чунки бирикма таркибига турли сўз туркумларига оид лексемаларнинг киритилиши оддий киритма деб эътироф этилади. Мураккаб киритмада эса фразеологик бирлик таркибига сўз бирикмалари, икки ёки ундан ортиқ компонентли ўхшатишли конструкциялар киритилади: *Ёлгонингни бориб энангга айт! - дўриллади табиатан қўполроқ, аммо қалби ёмғирдан сўнгги тиниқ омондек мусаффо Бакир* (У.Ҳамдам. *Сабо ва Самандар*). Бунда умумтилдаги *қалби тоза* [ЎТФЛ.160] иборасининг таркибига “ёмғирдан сўнгги тиниқ осмондек” мураккаб киритма киритилган. Бунда бирикманинг маъноси ўзгармайди, балки шаклан ўзгаради ва янги структурали бирликлар шаклланади.

Дарҳақиқат, киритмалар фразеологик бирликларнинг: а) маъносини кучайтиради; б) маъносини конкретлаштиради; в) стилистик вазифани бажаради; г) ташқи шаклни ўзгартиради.

Бобнинг «Фразеологик бирликларнинг конвергенцияси» деб номланган иккинчи бўлимида конвергенция (лот. *convergenço*- яқинлашмоқ, бирлашмоқ) ҳодисаси таҳлил этилади. Конвергенция фразеологик бирликларнинг нутқда (бир матнда) қўлланиш жараёнида икки ёки ундан ортиқ фразеологик усулларни бирлаштириш асосида юзага келади. Бу жараён фақат бир матн доирасида юз беради. *Кўнгилга қил сиғмайди. Кўнгил бир хижил бўлади, бир ланж бўлади. Кўнгилни бир ҳадик босиб келади. Кўнгилни нимадир бир нима бармоқ ботириб-бармоқ ботириб тирнайди* (Т.Мурод.

¹Элтазаров Ж. Кўрсатилган асар. –Б.62.

Отамдан қолган далалар). Бунда бир матн доирасида эллипсис, киритма ҳамда фразеологик актуаллаштириш усулларини бирлаштириш асосида фразеологик конвергенция юзага келган.

Чувалгандан-чувалган гап калаваси андоқ маълум қилардики, бош агрономликнинг бутун заҳму заҳматларига қарамай, Улаш ака бош шоирликнинг ҳам жиловини маҳкам тутганига ана-мана дегунча беш кам ўн йил тўлибди (Л.Бўрихон. Жазирамадаги одамлар). Гапни чувалатмоқ фразеологик бирлигида фразеологик такрорни, калавасини йўқотмоқ фразеологик бирлигида эллипсисни кўрсак, жиловини тутмоқ фразеологик бирлиги таркибига эса “маҳкам” сўз компоненти киритилган.

Фразеологик бирликлар конвергенцияси жараёнида трансформациянинг бир неча кўринишлари жамланиб, матнда улар экспрессивлик ва услубий маҳсулдорликни таъминлайди.

Бобнинг «Фразеологик бирликларнинг аллюзияси» деб номланган учинчи бўлимида фразеологик бирликларнинг трансформациясида аллюзия ҳодисасининг ўрни таҳлил этилган. Бирикманинг бўлак шаклида ишлатилиб, умумтилдаги бирикма образининг англашинилишига аллюзия¹ дейилади. Дарҳақиқат, аллюзия (лот. *allusion*- ишора, ҳазил) - барчага таниш деб ҳисобланган реал сиёсий, маиший, тарихий ёки адабий фактга ишора қилишга асосланган стилистик усулдир². И.Р.Гальпериннинг фикрича, аллюзия тарихий, адабий, афсонавий тайёр манбадан парча келтиришдир³. Фразеологик бирликнинг бўлак шаклида қўлланиши бадий тасвирийликни кучайтиради, матннинг эмоционал экспрессив имкониятини оширади.

– *Толибдаги пулингни боболармас, прокурор ундириб беради, тентак!*

– *Прокуроринг лағмонни ундириб беради, – гулдиради Ёқуб юзини четга буриб (Н.Аббосхон. Шўрқишлоқ).* Матнда умумтилдаги қулогига лағмон осмоқ фразеологик бирлигининг “лағмон” компоненти бўлак шаклида ишлатилиб фразеологик бирликнинг образини англатади.

Фразеологик бирликларнинг аллюзияси унинг тузилишини ўзгартирувчи усуллардан биридир. Албатта, трансформациялашган фразеологик бирликнинг умумтилдаги тўлиқ вариантини англаш учун ўқувчининг шу фразеологик бирликларнинг тилдаги аъанавий шаклини яхши билмоғи лозим бўлади.

Бобнинг «Сўз бирикмалари трансформацияси асосида фразеологик маънони актуаллаштириш» деб номланган тўртинчи бўлими фразеологик маънони актуаллаштириш масалаларига бағишланган. Фразеологик бирликларнинг маъносини ривожлантириш, трансформациялаш асосида уларнинг маънолари актуаллашади, тилда сўз ўйинини юзага келтиради, бу усул ўзининг сатирик ва комик маҳсулдорлиги билан бошқаларидан фарқланади:

– *Калхатни болабсиз-ку! – деди.*

– *Бекорчиликда эрмак.*

¹Маматов А.Э. Фразеологик стилистика масалалари. -Тошкент: Фан ва техника, 1991.-Б.120.

²Қуроноф Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Тошкент: Академнашр, 2010. –Б.216

³ Лексико-фразеологические стилистические средства: http://www.prekrasnakraina.com/my_english/

– Эрмагингиз шунақа бўлса, астойдил ҳаракат қилсангиз арслоннинг ҳам терисига сомон тиқар экансиз–да (Шухрат. Олтин зангламас). Умумтилдаги терисига сомон тиқмоқ бирикмаси фразеологик бирлик ва эркин бирикма маъносида қўлланиб, маълум юморни юзага келтирган.

И.В.Абрамец актуаллаштиришнинг *ҳамкорлик, айнанлик*¹ каби икки семантик жараёнга асосланишини эътироф этади.

Фразеологик бирликларнинг услубий дистрибуциясининг бузилишида фразеологик бирлик шундай ҳолатни тавсифлайдики, бу тавсиф тасвирланаётган объектга нисбатан характерли бўлмайди. Фразеологик бирликларни бундай тарзда трансформация қилиш матнга ўзига хос стилистик маҳсулдорлик бағишлайди. *Баҳор сайлга кечиккан бўй қиздай қошқабоқ уйди!* (Л.Бўрихон. *Жазирамадаги одамлар*). Матндан англашиладики, умумтилдаги *қовогини уймоқ* фразеологик бирлиги баҳорга нисбатан ишлатилади. Бу фразеологик бирлик англаган маъно эса инсонларга хос бўлиб, бу тавсиф объектга нисбатан характерли эмас. Демак, фразеологик бирликнинг ўз шакли эмас, балки услубий қуршови бузилган.

Фразеологик бирликларнинг умумтилдаги тўлиқ шаклини ўзгартириш стилистик ва зарур эмоционал-экспрессив оттенкани юзага келтириш эҳтиёжи асосида юзага келади. Фразеологик бирликларнинг умумтилдаги шакли бузилиши билан фразеологик бирликларнинг маъноси ўзгармайди, балки матндаги умумий маъно кучаяди, стилистик маҳсулдорлик ошади.

«Фразеологик бирликларда эллиптик трансформация тавсифи» деб номланган учинчи боб фразеологик бирликларнинг эллиптик воқеланиши, фразеологик бирликларнинг контаминацияси, фразеологик бирликларнинг антонимик қўлланиши, фразеологик бирликларни модернлаштириш каби мавзуларни ёритган тўрт бўлимдан иборат.

